

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ ФАОЛИЯТИ
ЮЗАСИДАН АХБОРОТ ҲАМДА 2019 ЙИЛ II ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ
ИШ РЕЖАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил биринчи ярим йиллик фаолияти юзасидан Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил II ярим йилликдаги иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С.Курбанкулов) тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил II ярим йилликдаги иш режасида белгиланган барча вазифаларни ўз вақтида ижро этилишини таъминласин.

Белгилансинки, иш режасини бажаришда 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ асосий тадбирлар Дастурида кўрсатилган тадбирларнинг изчил ва самарали ижро этилишига алоҳида масъулият юклатилади.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М.Истамов зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М.Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 июль,
№ 925.*